

КОИНОТ СИРЛАРИДАН СЎЗЛОВЧИ МАСКАН

Тошкент шаҳар планетарийсида ташкил этилган "Улуғбек юлдузлари" номли маърифий тадбирга пойтахтлик ўқувчи-ёшлар, уларнинг устозлари таклиф этилди.

Замонавий ускуна ва технологиялар билан таъминланган Тошкент планетарийси ўқувчи-ёшларнинг астрономия фанига оид билимларини янада бойитиш, уларни илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган боболаримиз илмий мероси билан таништиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Маърифий тадбир Малайзия делегациясининг ушбу масканга ташрифига тўғри келди.

– Ўзбекистонга Мирзо Улуғбекнинг бой илмий мероси, расадхона барпо этишга оид фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида келганмиз, – дейди Малайзиянинг Саравак штати муфтийси Кипли Ёсин. – Мирзо Улуғбекнинг фалакиёт илми ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Бу таълимот жаҳонда коинотни ўрганишга доир иншоотларни барпо этишда ҳаман қўлланилмоқда. Келгусида бизнинг штатимизда ҳам обсерватория барпо этиш режалаштирилган. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси, ҳамкорликдаги излашлар, олимларингизнинг кўмаги муҳим ўрин эгаллаш шубҳасиз. Тошкент планетарийси, бу ерда ўқувчилар учун яратилган шароит ва имкониятлар, янги форматдаги, илм-технологияларга асосланган қизиқарли ўқув дастурлари бизда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда иштирокчиларга Мирзо Улуғбек ҳаёти, фаолияти, унинг таълимоти ҳақида батафсил маълумот берилди. Чексиз коинот, олис галактикалар сирларидан сўзловчи видео дастур намойиш этилди.

(ЎЗА)



Тадбирлар



ОЛТИН КУЗ

Сахий куз ўзининг саховати, қут-баракаси, тўкин-сочинлиги билан дийримизда ҳукмронлик қилмоқда. Юртдошларимиз йил давомида қилган меҳнатлари маҳсули бўлган ҳосилни йиғиб-териб олишга киришган. Далаларда ҳосил мўл бўлиши, хирмонлар, омборлар дон-дунга, куз неъматларига тўлиши буларнинг бари она замонамизнинг бебаҳо неъматларидан дарак.

Қисқагина қилиб айтганда, инсон меҳнатининг ҳосиласини инъом этувчи хушбахт онлар ҳамдир. Бу палла нафақат боғбону миришкорлар, балки болажонлар қалбига ҳам ўзгача бир ҳаяжон олиб киради.

Учтепа туманидаги 604-сонли махсус мактабга-ча таълим муассасасида бўлиб ўтган "Куз — меҳр-жон" байрами ҳам ушбу фасл саховатини тараннум этувчи куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Болажонлар иштирокидаги сахна кўринишлари, кузни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

– Ҳар бир мактабга-ча таълим муассасаларида болаларни жалб этадиган тадбирлар муттаҳил равишда ташкил этилса, мактаб таълимига пухта замин тайёрланади. Муассасамизда ташкил этилган бадий гимнастика, тасвирий санъ-

ат, нутқ ўстириш, теварак ва атроф билан таништириш каби тўғарақларнинг барчаси болалар билим-тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилади, – дейди ўрта гуруҳ тарбиячиси Гулрух Икромова. – Бундай тадбирлар болажонларнинг тугилиб ўсган она замини, ота-боболарининг азалий мероси ва маданиятини кўз қорачи-ғидек асраб-авайлашга чорлайди. Шунингдек, фарзандларимизни она табииатимизни янада севишга, унга оқилона муносабатда бўлишга ўргатиш билан бирга юртимизда етиштирилаётган мева ва सबзавотларнинг хусусиятлари, уларнинг саломатликка таъсири, қолаверса соғлом турмуш тарзини татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Таисия РЎЗИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Қилмиш – қидирмиш

ФИРИБГАР ДОМЛАЛАР

Мақоламиз қаҳрамонлари иккаласи ҳам касб-хунар коллежи ўқитувчилари. Масалан, Жавлон Тоҳиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) Яшнобод туманидаги компьютер касб-хунар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлаб келарди. У ўзи раҳбарлик қилган гуруҳ ўқувчиси М.Мамадалиевнинг ишончига кириб, уни алдаш йўлига ўтади.

Яъни, хизмат ваколатига ўқувчиларга коллеж дипломини бериш, фанларни ўзлаштира олмаган ўқувчиларни кейинги ўқув йилига қолдириш кирмаси-да, М.Мамадалиевнинг дипломи тайёр эканлигини билгани ҳолда фанларни ўзлаштира олмагани учун кейинги ўқув йилига қолдириш билан қўриқтади. Уни тегишли мансабдор шахсларга пора бериш йўли билан дипломини олиб беришга қизиқтиради.

М.Мамадалиевга "шунча пул олиб келда, дипломингни олиб кетавер", дейди. Яъни, 2017 йил 28 август куни соат 15.00 ларда коллеж биноси ичида М.Мамадалиевдан 550 минг сўм миқдоридаги пулларни олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан далиллар ашё бўлиб қўлга олинади.

Судда Ж.Тоҳиров қилган ишдан пушаймонлигини билдирди.

Ёки бўлмаса мана бу жиноят иши тафсилотлари ҳам биринчисига ўхшаб кетади. Равшан Қодиров Бекобод тумани "Далварзин" маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ишлаган. У хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан эгаллаш мақсадида фуқаро Д.Маликовага жиянини Бекобод тумани "Далварзин" маиший хизмат касб-хунар коллежида гуёки мазкур коллеж мансабдор ва ваколатли шахсларига пора бериш орқали ўқишга киритиш ҳақида ваъда бериб, уни пора беришга қизиқтиради. 2017 йил 24 июль куни соат 19.00 ларда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган истироҳат боғининг автотурагоҳида олдиндан келишилган 500 АҚШ долларини олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинади.

Суд мажлисида Р.Қодиров айбига қисман иқрор бўлиб, айрим вақтларни инкор этса-да, гувоҳлар, ашёвий далиллар уни айбини яширишга имкон бермади.

Албатта, суд бу иккала домлага нисбатан қонунда белгиланган жазони қўлади. Аммо, бизни бир нарса ўйлантиради. Бекобод туманидаги оддий коллежга киритиб қўйиш учун 500 АҚШ доллари талаб қилишни қандай тушуниш мумкин?

Суд мажлисида коллеж директори М.Мавлоновнинг фикр билдиришича, аслида мазкур коллежга кириш истагини билдирган болалар кам бўлиб, ҳужжат топширган ўқувчи албатта, ўзи танлаган йўналиш бўйича аризасига асосан ўқишга қабул қилинган.

Бу ўринда коллеж директори ўринбосари Р.Қодировнинг нафси ҳақлақ отган қўринади.

Шунинг учун ҳар бир ўқувчи пулига эмас, ўз қучига, билимига ишонмоғи мақсада мувофиқдир.

Элмурад АЗИМОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти Яшнобод тумани бўлими бошлиғи ўринбосари, Ўқтам ЖОВЛИЕВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти Яшнобод тумани бўлими катта инспектори



Қиличбозлик

ҚИЛИЧБОЗЛАРИМИЗГА ТЕНГ КЕЛАДИГАНИ ТОПИЛМАДИ

Пойтахтимиздаги Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабидида қиличбозликнинг шпага йўналиши бўйича "Сателлит" халқаро турнирида терма жамоаси биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз қиличбозлик федерацияси, бир қатор ташкилотлар ва Халқаро қиличбозлик федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Индонезия ва Халқаро қиличбозлик федерацияси байроғи остидаги қиличбозлар совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

"Сателлит" турнирнинг сўнги ҳал қилувчи финал баҳси икки ҳамюртимиз ўртасида ўтди. Унда Файзулло Алимов умидли спортчимизи Роман Александровни мағлубиятга

учратди ва олтин медаль соҳибига айланди. Шунингдек, яна бир вакилимиз – Нодирбек Мўминов мазкур мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди.

– Мусобақада барча совринли ўринларни эгаллаганимиздан беҳад шодмиз. Келгусида Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритишга ҳаракат қиламиз, – деди Файзулло Алимов. – Бундай галабаларга эришишимизга мамлакатимизда қиличбозлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилаётгани сабаб бўлмоқда.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чакди

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4268 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г-1135

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30